



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида
ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни
тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон “Тиббиёт ва таълим муассасаларини молиялаштириш механизмни ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 870-сон “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда 2017 йил 20 июндаги 393-сон “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон буйруғи (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 9-сон, 120-модда) билан тасдиқланган Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2018 йил “24” февраль,
4-2018-сон



И. Маджидов

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил 27 февралдаги
4-2018-сон буйруғига
ИЛОВА

**Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими
муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган
маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 18-банд “тўлов миқдори” деган сўзлардан кейин “(оширилган тўлов-контракт миқдори бундан мустасно)” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 24-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:
“Бунда, стипендия абитуриентларни дарсларга қатнашишга рухсат берилган ойнинг биринчи санасидан ўрнатилган тартибда белгиланади.”.

3. 27-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
“Бунда, оширилган тўлов-контракт асосида талабалikka қабул қилинганлар биринчи курснинг биринчи семистри давомида талабалар сафидан четлаштирилганда улар томонидан амалга оширилган тўловнинг 50 фоизи қайтариб берилмайди.”.

4. 28-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
“Бунда, оширилган тўлов-контракт асосида талабалikka қабул қилинганлар биринчи курсда талабалар сафидан четлаштирилганда қайтариладиган тўлов миқдори ўқув йилининг охирига қадар қолган ойлар сонини тегишли ўқув йилига тасдиқланган ўқитишнинг оширилган тўлов-контракт миқдорининг ўн иккидан бир қисмига кўпайтириш орқали аниқланади ва контрактнинг тегишли тарафи ёзма мурожаатига кўра қайтариб берилади.”.

5. 30-банднинг иккинчи хатбошиси “ва мазкур даврда ўрнатилган тартибда стипендия тўланади” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 34-банднинг биринчи хатбошиси “Ўқитишнинг контракт шаклидан” деган сўзлардан кейин “шу жумладан оширилган тўлов-контракт асосида” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“40. Ҳар йили олий таълим муассасалари томонидан ўқитишнинг контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича календарь йилга даромадлар ва харажатлар сметаси ишлаб чиқилиб тасдиқланади ҳамда бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ёки идорага рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.”.

8. 46-бандда “Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази” деган сўзлар “Касб-хунар таълими маркази” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
“55. Ҳар йили ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитишнинг контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича календарь йилга даромадлар ва харажатлар сметаси ишлаб чиқилиб тасдиқланади ҳамда бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ёки идорага рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.”.

10. 61-бандда “Назорат-тафтиш” деган сўзлар “Давлат молиявий назорати” деган сўзлар билан алмаштирилсин.



11. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Навоий кон-металлургия комбинати” Давлат корхонаси билан келишилган.

Молия вазири

2018 йил “27” феврал



Д. Кучкаров

Соғлиқни сақлаш вазири

2018 йил “08” феврал



А. Шадманов

Маданият вазири

2018 йил “12” феврал



Б. Сайфуллаев

Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси

2018 йил “12” феврал



Р. Курбанов

Ташқи ишлар вазири

2018 йил “13” феврал



А. Комилов

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

2018 йил “09” феврал



З. Мирзаев

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири в.б.

2018 йил “09” феврал



Ш. Шерматов

Давлат солиқ қўмитаси раиси

2018 йил “14” феврал



Б. Парпиев


AVLAT XATIDA KAZILD

Ўзбекистон Бадий академияси раиси  А. Нуридинов

2018 йил “ 15 ” феврал

Автомобиль йўллари давлат
қўмитаси раиси

2018 йил “ 16 ”

 А.Абдувалиев

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
бошқаруви раиси

2018 йил “ 20 ” феврал

 А. Раматов

“Навоий кон-металлургия комбинати”
давлат корхонаси бош директори

2018 йил “ 19 ” феврал

 Қ. Санакулов